

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ		
1	Тўлиқ	Акциядорлик тижорат "Алоқабанк"
	Қисқартирилган	АТ "Алоқабанк"
	Биржа тикерининг номи	ALKB

АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ		
2	Жойлашган ери	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
	Почта манзили	100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
	Электрон почта манзили	info@aloqabank.uz
	Расмий веб-сайти	www.aloqabank.uz

МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ		
	Муҳим фактнинг рақами	06
	Муҳим фактнинг номи	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар
	Умумий йиғилиш тури	Йиллик
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси	28 май 2019 йил
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана	28 май 2019 йил
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси 4-уйда жойлашган АТ "Алоқабанк" биносининг мажлислар зали
	Умумий йиғилиш кворуми	93,15 фоиз

№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари						
		ёқлаш		қарши		бетарафлар		
		%	сони	%	сони	%	сони	
3	1	АТ "Алоқабанк" акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.	100,00	6 788 669 664	-	-	-	-
	2	АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йил иш фаолияти якунлари бўйича банк Кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.	99,81	6 775 871 754	0,19	12 797 910	-	-
	3	АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йил иш фаолияти якунлари ҳамда 2019 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги банк Бошқаруви Раиси ҳисоботини тасдиқлаш.	99,86	6 779 190 784	-	-	0,14	9 478 880
	4	АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йил иш фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.	100,00	6 788 669 664	-	-	-	-
	5	АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йил иш фаолияти якуни бўйича аудиторлик ҳисоботи.	100,00	6 788 669 664	-	-	-	-
	6	АТ "Алоқабанк"нинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.	100,00	6 788 669 664	-	-	-	-
	7	АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш.	99,61	6 762 552 869	0,23	15 405 312	0,16	10 741 483
	8	АТ "Алоқабанк"нинг 2019 йил иш фаолияти якуни юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.						
		"Ernst & Young" - аудиторлик компанияси	0,42	28 203 222				
		"Grant Thornton" - аудиторлик компанияси	0,20	13 765 762				
		"PriceWaterhouseCoopers" - аудиторлик компанияси	99,24	6 737 221 800				
	9	Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш						
		Дадамухаммедов Рустам Абдугаппарович	99,81	6 775 871 754	0,19	12 797 910	-	-
		Расулев Муминджан Халикович	99,81	6 775 871 754	0,19	12 797 910	-	-
		Мавлюдов Элдар Хайратдинович	99,81	6 775 871 754	0,19	12 797 910	-	-

АТ “Алоқабанк” Кенгаши аъзоларини сайлаш								
Номзодлар тўғрисида маълумот:								
№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Овозлар сони		
				тури	соли			
10	1	Садиков Шухрат Мухаммаджонович	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Вазир	Имтиёзли	131 527	6 862 849 722	
	2	Умаров Олимжон Мухаммаджонович	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Вазирнинг биринчи ўринбосари	Имтиёзли	5 400	6 760 466 442	
	3	Мансуров Рустам Пулатович	“Электромагнит мослашув маркази” ДУК	Бошлиқ	Имтиёзли	439 625	6 760 466 442	
	4	Хасанов Назиржон Набижанович	“Ўзбектелеком” АК	Бош директор	Имтиёзли	80 000	6 760 466 442	
	5	Юлдашев Фахриддин Туракулович	“Nano lizing kompaniyasi” МЧЖ	Директор	Оддий Имтиёзли	136 364 319 637	6 899 114 250	
	6	Ишанходжаев Асрор Асланович	Алоқа ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	Республика кенгаши раиси	Имтиёзли	75 062	6 760 466 442	
	7	Иминов Тохиржон Каримович	“ALSKOM” АЖ суғурта компанияси	Бош директор	Имтиёзли	431 250	6 773 264 352	
	8	Тешабаев Тўлқин Закирович	Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети	Ректор	Имтиёзли	54 760	6 760 466 442	
	9	Хайтметов Рустам Махкамджанович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Бўлим бошлиғи – бош бухгалтер	-	-	6 760 466 442	
11	АТ “Алоқабанк” акцияларини сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида.		99,81	6 775 871 754	0,19	12 797 910	-	-
12	АТ “Алоқабанк” Уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.		99,58	6 760 466 442	0,42	28 203 222	-	-
13	АТ “Алоқабанк” Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида.		99,58	6 760 466 442	0,42	28 203 222	-	-
14	АТ “Алоқабанк”нинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.		99,58	6 760 466 442	0,19	12 797 910	0,23	15 405 312
15	АТ “Алоқабанк” томонидан “Умидсиз” актив сифатида таснифланиб, банк балансининг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақ-ларига ўтказилган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.		99,66	6 765 701 016	0,23	15 405 312	0,11	7 563 336
16	“Tashkent city” халқаро ишбилармонлик марказида премиум А классдаги банк биносини қуриш тўғрисида.		99,79	6 774 609 151	0,19	12 797 910	0,02	1 262 603
17	“Tashkent city” халқаро ишбилармонлик марказида премиум А классдаги банк биносини қуриш учун Industrial and Commercial Bank of China (ХХР)дан кредит линиясини жалб қилиш бўйича шартномасини тузиш тўғрисида.		99,57	6 759 203 839	0,42	28 203 222	0,02	1 262 603
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:								
1	АТ “Алоқабанк” акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди.							
2	<p>1. АТ “Алоқабанк” Кенгашининг 2018 йил якунлари бўйича берган ҳисоботи тасдиқланди ва иш фаолияти қониқарли деб белгиланди.</p> <p>2. Банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, банк олдига қўйилган стратегик йўналишларни белгилаш, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда мижозларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк Кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар тасдиқлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий 							

	<p>барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4071-хдфу-сонли қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларни ривожлантириш дастурлари, 2019 йил Давлат инвестиция дастури, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури ва бошқа йўналишлардаги барча лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш; • банк томонидан янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари учун кредитлар ажратиш ва шу асосда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, шунингдек экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш; • банкни профессионал жиҳатдан тайёрланган, замонавий фикрлайдиган юқори малакали ходимлар билан бутлаш, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш. <p>3. Банк Кенгашига АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йил учун мўлжалланган Бизнес-режаси ҳамда “АТ “Алоқабанк”нинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси”ни бажарилиши устидан назорат ўрнатиш ва банкнинг иш фаолияти натижалари бўйича ўрнатилган тартибда банк Бошқарувининг ҳисоботларини кўриб бориш вазифаси юклатилди.</p>
3	<p>1. АТ “Алоқабанк” фаолиятининг 2018 йил якунлари бўйича банк Бошқаруви Раисининг ҳисоботи тасдиқланди ва ҳисобот давридаги иш фаолияти қониқарли деб белгиланди.</p> <p>2. АТ “Алоқабанк” Бошқаруви томонидан 2019 йилда бажарилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар тасдиқланди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4071-хдфу-сонли қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш; - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли қарори ижроси доирасида банк устав капиталидаги давлат акциялар (улуш) пакетлари хорижий инвесторларга сотиш юзасидан барча зарурий чораларни кўриш ҳамда банк устав капиталидаги давлат акциялар (улуш) пакетлари хорижий инвесторларга сотиш чораларини кўриш; - аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали уларнинг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар ва депозитларга жалб қилиш; - Бош банк ва филиалларни етакчи хорижий банклар ва молия институтлари томонидан қабул қилинган андозалар, услублар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, мукамал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, банкнинг кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек банк раҳбар ходимлари захирасини мунтазам равишда сифатли шакллантириб бориш; - банкнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларида банк иштирокини кенгайтириш, банк томонидан қилинган инвестициялар самарадорлигини ошириш; - кредитларни реал ва ликвидли гаров воситалари билан тўлиқ таъминланган ва кредитнинг қайтишига ишонч ҳосил қилинганидан сўнггина ажратиш, банк кредит портфелида муддати ўтган, суд жараёнидаги муаммоли кредитларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, кредитлар ҳисобига олинган мол-мулкларни сотиш бўйича тасдиқланган графиклар ижросини филиаллар кесимида қатъий назоратга олиш; - кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар беришда лойиҳаларни биринчи навбатда, реал секторга ва янги иш ўринлари барпо қилишга, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга, маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳамда ҳудудларда хорижий инвестициялар иштирокида лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш орқали инновацион технологияларни олиб келиш ва аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш; - АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичларни бажарилишини таъминлаш; - банк инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг банк хизматларидан кенг қўламда фойдаланишини таъминлаш мақсадида банк тармоғини янада кенгайтириш; - мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш ва активлар сифатини яхшилаш ҳисобига банкнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш вазифалари юклатилсин. <p>3. Банк Бошқаруви зиммасига банк фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорак якунлари бўйича банк Кенгашига ҳисобот бериб бориш вазифаси юклатилди.</p>
4	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил иш фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссияси томонидан берилган ҳисобот тасдиқланди.</p> <p>2. Банк Бошқарувига тафтиш комиссияси томонидан берилган таклиф ва тавсияларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>

5	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил иш фаолияти якунлари бўйича “PriceWaterhouseCoopers” ташқи аудиторлик компанияси томонидан берилган ҳисоботи тасдиқланди.</p> <p>2. Банк Бошқарувиға “PriceWaterhouseCoopers” ташқи аудиторлик компанияси томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида белгиланган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
6	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил учун йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқланди.</p>
7	<p>1. 2018 йил якуни бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан Халқаро стандартларга мувофиқ тасдиқланган 114 819 323 000,0 сўм соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимланди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - фойданинг 53 019 855 215,16 сўми ёки 46,18 фоизи банкнинг захира фондига; - фойданинг 22 400 000 000,00 сўми ёки 19,51 фоизи стандарт активлар бўйича захира фондига; - фойданинг 2 296 386 460,00 сўми ёки 2 фоизи банк Бошқаруви ихтиёридаги жамғармага; - фойданинг 871 200 000,00 сўми ёки 0,76 фоизи бир дона акцияга 48 сўм 40 тийиндан номинал қийматиға нисбатан 40 фоиз миқдорида банкнинг имтиёзли акциялари дивидендларига; - фойданинг 35 272 260 818,96 сўми ёки 30,72 фоизи бир дона акцияга 4 сўм 84 тийиндан номинал қийматиға нисбатан 4 фоиз миқдорида банкнинг оддий акцияларига дивиденд сифатида йўналтирилсин. <p>Банк фаолиятининг 2018 йил якунлари давомида олган соф фойдасини қолган 959 620 505,88 сўми тақсимланмаган фойда сифатида қолдирилди.</p> <p>2. Банкнинг оддий ва имтиёзли акцияларига 2018 йил якуни бўйича тўланадиган дивидендлар 2019 йилнинг 22 май куни ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестри асосида 2019 йилнинг 28 майдан бошлаб 2019 йил 26 июлигача амалға оширилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.</p> <p>3. Банк Бошқаруви зиммасига дивиденд тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалға ошириш вазифаси юклатилди.</p>
8	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йил иш фаолияти якуни юзасидан аудит текширувидан ўтказиш ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун - 1 058 000 000,0 (бир миллиард эллик саккиз миллион) сўм таклиф этган “PriceWaterhouseCoopers” ташқи аудиторлик компанияси танланди.</p> <p>2. Банк Бошқарувиға (К.Ирисбекова) “PriceWaterhouseCoopers” ташқи аудиторлик компанияси билан шартнома имзолаш вазифаси юклатилди.</p>
9	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йилги иш фаолияти юзасидан тафтишдан ўтказиш учун 3 аъзодан иборат бўлган тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда сайланди:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Дадамухамедов Р.А. – “Ўзбекистон почтаси” АЖ Молия директори; 2) Расулев М.Х. – “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Бош бухгалтери; 3) Мавлюдов Э.Х. – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси.
10	<p>1. АТ “Алоқабанк” Кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда сайланди:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Садиков Ш.М. – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири; 2) Умаров О.М. – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари; 3) Мансуров Р.П. – “Электромагнит мослашув маркази” ДУК бошлиғи; 4) Хасанов Н.Н. – “Ўзбектелеком” АК Бош директори; 5) Юлдашев Ф.Т. – “Nano lizing kompaniyasi” МЧЖ директори; 6) Ишанходжаев А.А. – Алоқа ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси Республика кенгаши раиси; 7) Иминов Т.К. – “Alskom” Суғурта компанияси АЖ Бош директори; 8) Тешабаев Т.З. – Тошкент Ахборот Технологиялари Университети ректори; 9) Хайтметов Р.М. – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош бухгалтери. <p>2. АТ “Алоқабанк” Кенгаши йиғилишининг қарори билан Кенгаш аъзолари таркибидан банк Кенгаши Раиси ва унинг ўринбосари овоз бериш йўли билан сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.</p> <p>3. АТ “Алоқабанк” Кенгаши аъзолигига сайланган Юлдашев Ф.Т. зиммасига миноритар акциядорлар манфаатини ифода этиш вазифаси юклатилди.</p>
11	<p>1. 2019 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-531-сонли қонуни билан қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар маълумот учун қабул қилинди.</p> <p>2. АТ “Алоқабанк” Уставининг 7.10.13. бандидаги Акциядорлар умумий йиғилишининг имтиёзли ҳуқуқ қўлламаслик ваколатларини амал қилиши қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритилгунга қадар тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.</p>
12	<p>1. АТ “Алоқабанк” Уставига ўзгартиришлар киритилди ва тасдиқланди.</p> <p>2. Банк Бошқаруви зиммасига АТ “Алоқабанк” Уставига киритилган ўзгартиришларни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилди.</p>
13	<p>1. “АТ “Алоқабанк” Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилди ва тасдиқланди.</p> <p>2. Банк Бошқаруви (К.Ирисбекова) зиммасига киритилган ўзгартиришларни ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.</p>

14	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янги ташкилий тузилма тасдиқланди.</p> <p>2. Банк Кенгаши зиммасига мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
15	<p>1. АТ “Алоқабанк” Кенгашининг 2019 йил 4 майдаги 27-сонли қарори тасдиқланди.</p> <p>2. Банкнинг Қорақалпоғистон, Хоразм ва Навоий филиалларида мижозларга ажратилиб, “умидсиз” актив сифатида таснифланган ҳамда охириги беш йил мобайнида ҳисоби банкнинг “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида юритиб келинган 152 873,7 минг. сўм асосий қарз ва 13 974,6 минг. сўмлик ҳисобланган фоизлар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилди.</p> <p>3. Банк Бошқаруви (К.Ирисбекова)га мазкур қарор ижросини назорат қилиш вазифаси юклатилди.</p>
16	<p>1. Жамият соф активларининг 50 фоизидан ортиқ бўлган йирик битимлар Банк Акциядорлари умумий йиғилиши қарорига асосан тузилиши лозимлиги инobatга олинди.</p> <p>2. “Shanghai Construction Group Co., LTD” (ХХР) ва АТ “Алоқабанк” ўртасида умумий қиймати 126 360 000 АҚШ доллари миқдоридаги қурилиш пудрат шартномасини тузишга рухсат берилди.</p> <p>3. Банк Бошқаруви (К.Ирисбекова) зиммасига мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
17	<p>1. Жамият соф активларининг 50 фоизидан ортиқ бўлган йирик битимлар Банк Акциядорлари умумий йиғилиши қарорига асосан тузилиши лозимлиги инobatга олинди.</p> <p>2. Industrial and Commercial Bank of China (ХХР)дан кредит линиясини жалб қилиш бўйича шартнома тузилишига рухсат берилди.</p> <p>3. Банк Бошқаруви (К.Ирисбекова) зиммасига мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни	
Эски таҳрири	Янги таҳрири
<p>6.4. Банк томонидан акциялар ва ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар жойлаштирилган тақдирда, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёки иштирок этмаган акциядор, унга тегишли бўлган бу турдаги акцияларнинг сонига мутаносиб миқдорда акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқига эга.</p>	<p>6.4. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорида мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.</p>
<p>7.8. Умумий йиғилишнинг ўтказилиши тўғрисидаги хабар умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) календарь кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) календарь куни аввал банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.</p>	<p>7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.</p>

Бошқарув Раиси ўринбосари



Н.Насретдинова

Бош бухгалтер



Х.Бўронов

Веб-сайтда ахборот жойлаштирилган ваколатли шахс

М.Чагаев

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ
1-сон БАЁННОМАСИДАН
КЎЧИРМА**

АТ «Алоқабанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши **2019 йил 28 май куни, соат 9:00** да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк» биносининг мажлислар залида ўтказилди.

Йиғилишга банк Кенгаши Раиси в.б. Ш.Садиқов раислик қилди.

Йиғилишда банк акциядорлари, Кенгаш ва Бошқарув аъзолари, Бош банкнинг департамент, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Амалиёт бошқармаси ва филиаллар раҳбарлари иштирок этди.

Маълумотга кўра, банк акциядорларининг 2019 йил 22 май амалиёт куни якуни билан шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан, АТ «Алоқабанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган овоз берувчи акциядорлар сони 1 321 та, уларга тегишли бўлган жами овоз берувчи акциялар сони 7 287 657 194 донадан иборат бўлди.

12. АТ «Алоқабанк» Уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Банк юридик бошқармаси бошлиғи А.Абдукахаров

Йиғилишда, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда иловада келтирилган жадвал бўйича банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар кўриб чиқилди.

Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ушбу масалани муҳокама қилиб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. АТ “Алоқабанк” Уставига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин.

2. Банк Бошқаруви зиммасига АТ “Алоқабанк” Уставига киритилган ўзгартиришларни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

Ёқлаганлар - 6 760 466 442 та овоз; Қаршилар – 28 203 222 та овоз; Бетарафлар - 0 та овоз.

Мажлис котиби



И.Ибрахимов

ASLIGA TO'G'RI

Банк акциядорларининг
йиллик умумий
йиғилиши қарорига
7-илова

АТ «АЛОҚАБАНК» УСТАВИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ

ЭСКИ ТАҲРИРИ	ЯНГИ ТАҲРИРИ
<p>6.4. Банк томонидан акциялар ва ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар жойлаштирилган тақдирда, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёки иштирок этмаган акциядор, унга тегишли бўлган бу турдаги акцияларнинг сонига мутаносиб миқдорда акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқига эга.</p>	<p>6.4. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.</p>
<p>7.8. Умумий йиғилишнинг ўтказилиши тўғрисидаги хабар умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) календарь кунидан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) календарь куни аввал банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.</p>	<p>7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.</p>